

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИ ВА УЛАРНИНГ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИДАГИ ЎРНИ

Бахронов Ҳасан Қаюмович

Бухоро давлат тиббиёт институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада оиладаги ҳуқуқий, ахлоқий, иқтисодий муносабатлар таҳлил қилинган. Оиладаги анъана, урф-одатларнинг оила мустаҳкамлигидаги ўрни тадқиқ қилинган. Соғлом оилавий муҳитнинг фарзанд тарбиясидаги ролига алоҳида эътибор қаратилган.

***Калит сўзлар.** Оила, оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси, фуқаролик жамияти*

СИСТЕМА СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ И ИХ РОЛЬ В УКРЕПЛЕНИИ СЕМЬИ

Бахронов Ҳасан Қаюмович

Преподаватель Бухарского государственного медицинского института

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются правовые, нравственные, экономические отношения в семье. Изучена роль семейных традиций и обычаев в стабильности семьи. Особое внимание уделено роли здоровой семейной среды в воспитании детей.

***Ключевые слова.** Семья, семейные отношения, воспитание детей, гражданское общество.*

THE SYSTEM OF FAMILY RELATIONS AND THEIR ROLE IN STRENGTHENING THE FAMILY

Bahronov Khasan Kayumovich

Lecturer at the Bukhara State Medical Institute

ABSTRACT

The article analyzes legal, moral, economic relations in the family. The role of family traditions and customs in the stability of the family has been studied. Particular attention is paid to the role of a healthy family environment in the upbringing of children.

***Keywords.** Family, family relations, parenting, civil society*

КИРИШ

Оилавий муносабатлар энг умумий тарзда қаралганда, эр-хотин муносабати, ота-оналик-фарзандлар муносабатларидан иборат. Бу муносабатлар мазмунида, шубҳасиз, табиий муносабатлар-жинсин ҳиссиёт, ота-оналик ва фарзандлик ҳисси, яъни қон-қардошлик муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Аммо бу ҳиссиётлар табиийлигича намоён бўлмай, ижтимоий шаклда-ахлоқий-эстетик, психологик муносабатлар тарзида намоён бўлади. Шунга кўра, оилавий муносабатлар тизимида табиий, ахлоқий, эстетик, психологик муносабатларни фарқлаш мумкин. Бундан ташқари иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар оилани мустаҳкамлашда муҳим мавқега эга [1-5].

1. Оилавий муносабатлар, биринчи навбатда, эр-хотин ўртасидаги табиий-биологик муносабатларнинг таркибий қисмидир. Эркак ва аёлнинг бир-бирига интилиши табиий ҳодиса бўлиб, бу муносабат бевосита оиланинг асосини ташкил этади. Жамият эркак ва аёл ўртасидаги табиий-биологик муносабатнинг қай тарзда рўй беришига бефарқ қараб туролмайди. Чунки, ишлаб чиқарувчи кучларни сақлаш ва ривожлантириш, жамият аъзоларининг ўзаро муносабати маданиятининг такомиллашуви, камолоти жамиятнинг асосидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир жамиятда эркак ва аёл ўртасидаги табиий-биологик муносабатлар бетартиб, стихияли рўй бермай, муайян, барқарор, ижтимоий-маданий шаклда, никоҳ йўли билан бўлиб, улар ҳуқуқий қонунлар ва ахлоқ норма-қоидалари, урф-одат, жамоатчилик фикри, қолаверса давлат, жамоат ташкилотлари томонидан бошқарилиб борилади. Оилавий муносабатларнинг шаклланиши жараёнига эътибор берар эканмиз, никоҳ ва оилани бир-биридан фарқлашимиз лозим. Никоҳ оиладан илгари вужудга келган бўлиб, даставвал патриархал оила вужудга келишига қадар, уруғчилик даврида фақат жинсий табиий ҳаётни бошқариб борган. Оила вужудга келгандан сўнг эса, кишилар ҳаётнинг ҳуқуқий, ахлоқий ва маиший соҳаларига ҳам кириб борган. Бугунги ривожланган жамиятда эса, оилавий муносабатлар маданий характерга эга бўлиб, албатта жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиб, яшаётган жамиятдаги оила қуриш анъаналари ва қонун-қоидаларига риоя қилиб яшашни тақазо этади.

2. Оилавий муносабатларнинг муҳим таркибий қисми — оила аъзолари ўртасидаги иқтисодий-мулкӣ муносабатдир, яъни оила турмушини ташкил этишдир. Юқорида айтганимиздек, жамият ўз аъзолари ўртасидаги табиий-биологик, шунингдек, қон-қарондошлик, мулкӣ муносабатларни ҳуқуқий қоидалари билан бошқарув боради.

3. Оиладаги ҳуқуқий муносабатлар оила аъзоларининг ўзаро ҳуқуқи ва мажбуриятлари йиғиндисидир. У оила ҳаётининг энг муҳим томонларини тартибга солиб туради ҳамда энг аввало жисмоний кучга — давлат муассасалари кучига таянади.

4. Оиладаги ахлоқий муносабатлар мазмуни, таъсири жиҳатидан ҳуқуқий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бироқ, ахлоқий муносабатларнинг таъсир доираси жуда икир-чикирларидан тортиб, оила ҳаётини ҳал қилувчи ҳодисаларгача бошқариб туради. Чунончи, оила аъзоларининг кийиниши, овқатланиши, дам олиши, фарзандларини ўқитиши, уйлантириши ҳам ахлоқий қоидалар воситаси билан бошқарилиб турилади. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришганимиздан кейинги оилага оид тадқиқотларнинг барчаси, мавзулари оилавий муносабатларнинг ахлоқий жиҳатларига бағишланган бўлиб, замонавий оиланинг барча жиҳатларига эътибор қаратилиб, давлат сиёсатининг бу борадаги амалга оширилаётган йўналишларга эътибор берилмоқда.

5. Оила маънавий ҳаётининг муҳим таркибий қисмларидан бири руҳий муносабатлардир. Руҳий муносабатлар кўп қиррали бўлиб, у эр-хотин ўртасидаги севги-муҳаббат ҳиссиётини, ота-оналик, фарзандлик меҳри, шунингдек, оила аъзоларининг кайфиятлари, хулқ, қизиқишлари ва ҳоказолардир.

6. Оилада эстетик муносабатлар, энг аввало, эр-хотининг ўзаро севги-муҳаббатига асосланиб, бир-бирининг маънавий ва жисмоний гўзаллигини идрок қила билиши ва ундан завқлана олиши, оталик, оналикни гўзаллигини тушуна олиши ва уни юксак қадрланишини ифодалайди. Оилада эстетик муносабатлар - оила ҳаётининг ташқи ифодаси, намоён бўлиш шакли бўлгани ҳолда, оилада ахлоқий-руҳий муносабатларнинг ривожланишига, бинобарин, оиланинг мустаҳкамланишига кучли таъсир қилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Юқорида таъкидланган муносабатлар тизими ўзаро алоқадорлиги, уларнинг яхлитлиги, оилавий муносабатлар маданиятини ифодалайди. Оилавий муносабатлар маданияти эр-хотин ўртасидаги табиий-биологик муносабатларни, оила аъзолари ўртасидаги қон-қариндошлик муносабатларини ифодалаши оиланинг заминини ташкил этади.

Оила аъзолари ўртасидаги ҳуқуқий, ахлоқий-эстетик, руҳий муносабатлар эса унинг устқурмасидир. Шунинг учун оилани мустаҳкамлаш мақсадида ҳамиша оилавий муносабатларни такомиллаштириб келинган. Оилавий муносабатнинг софлиги унинг болалардаги хулқ-атворга, маънавий камолоти таъсирини кучайтириш, кўп ҳолларда ота-она ўртасидаги ва уларнинг болалар

билан ўзаро муносабатига боғлиқ бўлади. Оиладаги кундалик муносабат, бу ҳаётий эҳтиёж болани ижтимоий-маданий ҳаётга тайёрлашнинг асосидир [6-9]. Ота-онанинг оиладаги моддий, ташкилий, тарбиявий ва ўзаро шахсий масалалар юзасидан бир-бири билан бўладиган ўзаро муносабатлари соф, самимий, эрнинг хотинга, хотиннинг эрга нисбатан ўзаро ҳурмати, уларнинг ҳаор қандай мураккаб шароитда ҳам ўзаро бир-бирини тушуна олиши, иффати асосига қурилсагина, бундай оилада мусаффо маънавий муҳит вужудга келади. Отанинг онага, онанинг отага бетакаллуфлиги, бир-бирига қўпол муомаласи, ҳаётий қийинчиликларини енгишлиги, бола тарбиясидаги, оиланинг моддий таъминотидаги турли фикрлилик шу оиладаги ўзаро муносабатларнинг бузилишига олиб келади. Оилавий муносабатларда айниқса ота-она муносабатидаги сабрлилик, ўйлаб, ақл-заковат билан оилавий юмушларни баргаликда маслаҳат ҳал этиши, уларнинг бир-бирига меҳрибонлига, фарзандларга бир ҳилда муомалада бўлиши, ҳар иккала томонининг қариндош-уруғларига, қўни-қўшниларига бир ҳилда меҳр-муҳаббат, ҳурмат билан қараши, бир сўзлиги, ҳақиқатни гапириш каби ижобий фазилатларга эга бўлиши, шунингдек ичиши, чекиш, ёлғончилик, маиший бузуқлик, димоғдорлик, манманлик ва бошқа шу каби иллатлардан ҳоли бўлиши оилавий муносабат маданиятининг софлигини таъминловчи хусусиятдир.

Оилавий муносабатларнинг умумий тушунчаси жуда кенг бўлиб, алоҳида аниқ фикрлаш билан чегаралаш мумкин эмас. Чунки оиладаги икир-чикирлар унинг тузилиши, муносабатлар янги-янги қирраларини келтириб чиқарадики, бу эса оилавий муносабатларни янада кенроқ доирада тушунишликни тақозо этади [10-15]. Оиланинг моҳияти унинг муносабатларида акс этган бўлиб, фақат ўзаро ҳамкорлик, оила аъзоларининг бир-бирларига муносабатлари асосида қурилади ва оиладаги муҳит унинг муносабат моҳиятини англатади. Барча ишлар, оиланинг ўзаро тузилмаси унинг олдидаги вазифаларни бажаришга боғлиқ. Эр-хотиннинг ўзаро ҳамкорлиги, бир-бирини тушиниб, барча зиддиятларни яхшилик йўли билан ҳал қилиш, барча оилавий вазифаларни ижобий ҳал этишда омил бўлади. Шунингдек, аждодларимиз яшаган оиладаги анъана, урф-одатлар халқимиз ўтмишининг ойнаси. Ўтмиш оилаларимиздан иложи борича оила ахлоқи, одоби ва унинг камолати масалаларни ўрганиш катта аҳамиятга эгадир. Вужудга келаётган ҳар бир оилани мустаҳкамлаш учун, энг аввало, ёшларга ўзбек оилаларнинг урф-одатини, удум ва анъаналарини, ахлоқий маданиятини ёшлиқдан бериб бориш лозим. Инсон маънавиятининг биринчи пойдевори оилада шаклланади.

Оила шахснинг маънавий шаклланишига бевосита таъсир этадиган кичик муҳит бўлиб, кишилиқ жамиятнинг маънавий илдизидир.

Оила тарқалиши ҳам мумкин. Бунинг турли сабаблари бор. Бири - оиланинг *ахлоқийлик нуқтаи назаридан тарқалиши*. Бунда болалар балоғатга етгач, эркин шахс сифатида янги оилага асос бўлишлари - ўғил болаларнинг уйлантирилиши, қизларнинг эрга берилиши назарда тутилади. Уйлантирилган ўғилларга ҳам, эрга берилган қизларга ҳам янги оила қуриш ва уни моддий жиҳатдан дастлабки пайтларда муҳтожликдан сақлаб туриш учун етарли бўлган уй-рўзғор ашёлари ажратилади [16-18].

Шунингдек, *оиланинг табиий тарқалиши* ҳам мавжуд. Унда ота-онанинг ёки отанинг вафоти туфайли оила мулкнинг мерос тарзида бир ёки бир неча фарзандга ўтиши муносабати билан оила тарқалиши мумкин.

Бундан ташқари, *никоҳ бекор қилиниши муносабати билан оила тарқалади*. Аслида никоҳ ҳам диний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан бузилмаслиги керак. Лекин ўртада хиёнат содир бўлиши ёки яна бошқа бир хил сабаблар туфайли никоҳни фақат ахлоқий обрўга эга, қонун билан тан олинган идоралар, масалан, суд, ваколатли руҳоний бекор қилиши мумкин, зеро у, айтганимиздек, ахлоқий ҳодиса. Ҳар бир жамият мана шу сўнгги турдаги оила тарқалишига қарши курашади. Бундай оила бузилиши қанча камайса, у ўша жамиятнинг ахлоқий жиҳатдан такомиллашиб бораётганини англатади.

Дастлабки ахлоқ маскани бўлмиш оилалар йиғиндиси фуқаролик жамиятини, миллатни ташкил этади. Фуқаролик жамияти моҳиятан оила билан давлат ўртасидаги даража. Гарчанд, унинг тараққиёти давлат тараққиётидан кейинроқ рўй берса ҳам, у албатта давлатни тақозо этади, яъни фуқаролик жамиятининг яшаши учун унинг олдида мустақил нимадир - расмий, тизимли бошқарув бўлиши керак [19-21].

Фуқаролик жамияти замонавий дунёмизда вужудга келади, зеро, ҳозирги пайтдагина фуқаролар ҳуқуқи ҳақиқатан ҳам инобатга олинади. Фуқаролик жамиятида ҳар бир одам ўзи учун мақсад. Бироқ, у бошқалар билан муносабатга киришмасдан туриб, ўз мақсадига тўла эриша олмайди: бошқалар унинг мақсадга етишиши йўлидаги воситадир. Натижада ҳар бир алоҳида мақсад бошқалар билан ўзаро муносабатлар воситасида, уларнинг фаровонликка интилишини қаноатлантиргани ҳолда, ўзи ҳам қаноатланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, фуқаролик жамиятида яхши, бадавлат, бахтли, ҳуқуқий яшаш учун бўлган ҳар бир фуқаронинг интилиши пировард натижада бутун жамиятнинг ўшандай яшашига олиб келади.

Фуқаролик жамияти, шундай қилиб, бир кишининг эҳтиёжини унинг меҳнати воситасида қондириши баробарида, шу меҳнат воситасида барча қолганларнинг ҳам эҳтиёжини қондиради. У ўз аъзоларининг шахсий эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади, одил суд воситасида улар мулкига дахл қилинишига йўл қўймайди. Фуқаролик жамияти турли табақалардан ташкил топади. Улар орасида табақавий ёки синфий зиддият сингари ҳодисалар рўй бериши мумкин эмас. Чунки бунда шахс - давлат фуқароси, муайян инсон манфаатлари биринчи ўринда туради ва бу манфаатлар, айтганимиздек, ҳам ахлоқий, ҳам қонуний жиҳатдан ҳимоя қилинади. Зотан, «Биз учун фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам деради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади» [22-25].

Мамлакатимизда ҳозир эркин, демократик фуқаролик жамиятини тузишга киришганмиз. Бу жамият, маълум маънода, ғарбликлар тасаввуридаги фуқаролик жамиятларидан фарқ қилади. Ғарбда бу борада эътибор асосан, ҳуқуқий йўналишнинг устуворлигига қаратилса, бизда ахлоқий-маънавий йўналишнинг устуворлигини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, биз қураётган фуқаролик жамияти Ғарб дунёси учун ўртак бўлиши мумкин. Бу фахрланиш ҳиссидан келиб чиққан баландпарвоз гап эмас. Масала шундаки, Ғарб жамиятлари ҳозирги пайтда ахлоқийликни ҳуқуқийликнинг юқори босқичи сифатида қабул қилмоқдалар. Лекин улар учун «ахлоқий ўрин бўшатишдан» кўра «ҳуқуқий ўринни эгаллаб туриш» нафақат қонуний, балки завқлироқ туюлади. Бизнинг менталитетимизда эса, бунинг акси - ҳар бир «ахлоқий ўрин бўшатиш» ўзбек қалбига қувонч, ўз инсонлик бурчини бажарганлик ҳиссини тўлдирди [26-29].

Бундан ташқари, бизда фуқаролик жамияти қуришни маълум маънода тезлаштирадиган, Ғарб менталитетига хос бўлмаган макон борки, бу маҳалладир. Ўзбек маҳаллалари том маънода ахлоқий тарбиянинг маскани; оила катталари болага қанчалик тарбия бера олса, ўша оила яшаётган маҳалланинг тарбия борасидаги ҳиссаси ҳам шунча бўлади, десак хато қилмаймиз. Бунинг устига, маҳаллада халқимизнинг қадимий демократик анъаналари ҳозир ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Маҳаллада яшаётган ҳукумат аъзоси ҳам, миллионер тижоратчи ҳам, фаррош ҳам, оддий ўқитувчи ҳам бир хилдаги маҳалладошлик ҳуқуқига эга. Чунончи, маҳалланинг оқсоқоли оддий ўқитувчи бўлиши мумкин ва кўп ҳолларда шундай ҳам. Ҳукумат аъзоси ёки миллионер эса, маҳаллада фақат маҳалладошлик «лавозими»да бўлади.

Уларнинг фарқланиши фақат ахлоқий жиҳатлари билангина белгиланади. Ана шу хусусиятлари билан маҳалла ўз-ўзини бошқариш тузилмаси сифатида оиладан фуқаролик жамиятига ўтиш учун ахлоқий кўприк бўлиб хизмат қилади. Бундай оралиқ боғловчи тузилма, юқорида айтганимиздек, Ғарб оламида йўқ. Демак, шунга кўра ҳам, бизда фуқаролик жамиятига ўтиш нисбатан осонроқ кечади, деган фикрни билдириш мумкин.

Шундай қилиб фуқаролик жамияти муайян халқ учун жам бўлиб, жамоат тарзда яшашнинг энг олий шахси ҳисобланади ва носий бўлган барча муносабатларни ўз ичига олади. Унда шахс эркинлигини, «индивиднинг очилиши» ихтиёрий тарзда тузилган фуқаролар уюшмалари, ташкилотлари ва бирлашмалари доирасида ўзини намоён қилади; иқтисодий, диний, маънавий, ахлоқий-эстетик миллий, оилавий в.б. муносабатлар давлат идораларининг аралашувисиз, ўз-ўзини бошқариш асосида амалга оширилади.

Буюк олмон файласуфи Гегель давлатни ахлоқий ғоянинг воқе бўлиши деб таърифлайди ва табиий муносабатларни маънавий муносабатлар билан муқояса қилиб, оилани - ҳиссийга, фуқаролик жамиятини - асабнинг таъсирланиш қобилятига, давлатни эса, ўзи учун асаб тизимига ўхшатади; у ўз ичида ботинан ташкил топган, бироқ унинг яшаши ўзида икки ҳолатнинг тараққий топишига боғлиқ, булар - оила ва фуқаролик жамияти. Давлат ақлнинг рўёбга чиқиши сифатида ҳар бир шахс ихтиёрига мосдир. Одатда, давлатнинг мақсади ўз фуқароларини бахтли қилиш деб ҳисобланади. Агар фуқаролар қийналса, уларнинг субъектив эҳтиёж-мақсадлари қондирилмаса, давлатнинг мустақамлиги шубҳа остида қолади. Давлатнинг асоси – сиёсий тузум. Унинг тақдирини ҳам ана шу сиёсий тузумга боғлиқ [30].

Кўпдан-кўп турли-туман бошқарув ва ташкилий институтлардан иборат бўлган давлатнинг энг муҳим ахлоқий вазифаларидан бири - тарбия. Агар мазкур тарбияда оммабоп усулларнинг тоши босиб кетса, у ҳол мақтарли эмас; ёшларнинг ўзлигини англаган шахс бўлиб етишуви мушкуллашади. Шу боис, имкон борича, тарбияда индивидуал ёндашувга интилиш мақсадга мувофиқ.

Демократик тамойилларни амалга ошириш жараёнларида давлат, ҳамма фуқаро бараварига тенг, деган усулда иш кўрмаслиги лозим, ҳамманинг ҳуқуқий тенглигини тан олган ҳолда, ижтимоий тенглаштириш тамойилига йўл қўймаслик керак. Давлатнинг мавжуд бўлиш шarti, энг аввало, унинг суверенитетида. Бунда халқ ташқи оламга нисбатан мустақил бўлади ва ўз давлатини шу мустақиллик асосида тузади. Шу боис суверенитет тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Давлат суверенитети энг аввало миллат суверенитети демакдир. У шахс мустақилигини, ҳуқуқларини қафолатлайдиган

ва миллат ҳукмронлигини тўлиқ таъминлайдиган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар. Миллат суверенитети биринчи навбатда уларнинг сиёсий жиҳатдан ўз - ўзини бошқаришда қадимдан эгаллаб келган ҳудуд ва ундаги фойдали қазилмаларга эгалик қилишда, ўзи танлаган давлат ҳокимиятида ҳамда миллий фуқароликда намоён бўлади. Шунингдек, инсон суверенитети ҳам давлат суверенитетининг муҳим қисми ҳисобланади. У фуқаронинг яшашга, мустақил дунёқарашга бўлган ҳуқуқи билан белгиланади ва зулмга, адолатсизликка, очликка, шахс эркинлигининг бузилишига қарши кафолатлар мажмуини ўз ичига олади.

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук, комил инсон бўлиб вояга етишишида ва тарбияланишида соғлом оилавий муҳитни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида эътироф этилиши бежиз эмас.

Оиланинг бир қанча вазифалари бор. Шулардан энг муҳими фарзанд тарбиясидир. Оилада болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбиясига асос солинади. Оиладаги тарбия орқали шахсга маълум бир сиёсий-ғоявий дунёқараш, ахлоқий меъёрлар ва хулқ намуналари сингдирилади. “Қуш уясида кўрганини қилади”, - деганларидек, фарзанд оилада ота-онанинг хулқ-одобидан андоза олади, ота-онанинг ўрнак бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, маънавий-ахлоқий қадриятларни ҳурмат қилиш, катталарга ҳурмат кўрсатиш, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, оиладаги ўзаро ишонч, самимият, ота-боболаримизнинг ҳаётий тажрибалари ва меросидан фойдаланиш оилада соғлом маънавий муҳитни яратади. Оилада соғлом маънавий муҳит яратилса, фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир этади. Бундай оилаларда ўсаётган фарзандлар оилапарвар, ватанпарвар, доно, ақлли ва меҳрибон бўладилар. Бундай ахлоқий фазилатлар асосида тарбияланган болалар оиласида ҳам, мактабда ҳам, маҳаллада ҳам ҳурматга ва эътиборга эга бўлади [31].

Халқимизда “Бола азиз, одобни ундан азиз” деган нақл бор. Боланинг тарбияси, хулқи-одоби, юриш-туриши, ақл-заковати, маънавий дунёқароши, меҳрли ёки меҳрсиз бўлиши оилада олган илк тарбиясига боғлиқ. Ўзбек оиласида фарзандлар болажон, кўлини кўксига қўйиб салом бериши, хўп бўлади, деб буюрилган ишларни бажариши, мўмин-қобил, ақлли бола каби фазилатларни тарбиялашда ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги билими, масъулияти аҳамиятлидир.

Инсоннинг илк болалик ва мактабгача бўлган даври тарбия жараёнида жуда масъулиятли бўлгани учун ҳам, бир қатор мамлакатларда шу ёшдаги болаларни тарбиялашга алоҳида аҳамият берилади. Япония ва Корея ана шундай мамлакатлар жумласига киради. Японлар 5 ёшгача бўлган болаларнинг

тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Айниқса, чақалоқлар парваришига ўта эҳтиёткор муносабатда бўлишади. Бола 5-6 ёшга тўлгунча унинг ҳар қандай нотўғри қилган ишлари кечиради. 5 ёшга тўлмаган болаларни гуноҳлари учун жазолаш у ёқда турсин, уларга баланд овозда гапириш ҳам ман этилади. Уларга бериладиган энг катта жазо бу- боланинг нотўғри ҳаракатлари онасининг кўнглини оғритиши мумкинлигини, бошқа бундай қилмаслигини мулойимлик билан тушунтирилади. Агар яна нотўғри ҳаракат қилинса, унга «қўшнисининг боласига алмаштириб оламиз», дейиш билан кифояланади. Ҳозирги кунда японларнинг ана шундай анъаналарига жаҳондаги кўпгина ёш оилалар, ёш ота-оналар ҳавас ва ҳайрат билан қарайдилар [32].

Аслини олганда, бизнинг миллий тарбиямиз тарихида чақалоқларга ва кичик ёшдаги болаларга ҳурмат билан қараш японларникидан сира ҳам кам эмас. Чақалоққа «сизлаб» мурожат қилиши ўзбек оиласи учун қанчалик ибратли эканлигини билдиради.

Тарихдан маълумки, ўзбек хонадониди ўзаро муносабатлар, одоб – ахлоқ, муомала маданияти ўта юқори даражада бўлган. М: Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асарида қаҳрамонларнинг ўзаро муомала ва мулоқотлари, уларнинг ҳатто кичик фарзандларига “сизлаб” гапириши мисолида ота-боболаримизнинг оила маънавиятига қанчалик эътибор берганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Оилада тарбия жараёнини қуйидаги даврларга бўлиб олиш мумкин:

Ҳар бир боланинг ҳаёти давомида оладиган маълумотларининг 70% ини 7 ёшгача бўлган даврда олади.

- 0-1 ёшгача (чақалоқлик - гўдаклик даври)
- 1-3 ёшгача (илк болалик даври)
- 3-6 ёшгача (мактабгача даври)

Ҳозирги замон илм-фан соҳаси назария ва ҳаётий амалиёт натижалари бола тарбиясини она қорнидаёқ, яъни тарбиянинг асосини ҳомиладорлик даврданоқ бошлаш кераклигини кўрсатмоқда. Ҳомиладор аёлнинг руҳий ҳолати, эр-хотин ўртасида ўзаро муносабатлар ҳомила ривожланишига, унинг асаб системасининг шаклланишига жиддий таъсир этади. Оила аъзоларининг муносабатлари, онанинг асабий, ўзидан ва атрофдагилардан норози ва агрессив характерга эга бўлиши туғилажак болага салбий таъсир этади.

Буюк аллома, ҳаким Абу Али Ибн Сино “Бола тарбиясини, она ҳомиладорлик давридан бошлаш керак”,- деган эди. Оилада ота-она болага ҳам руҳан, ҳам маънан, ҳам жисмонан таъсир этмоғи керак. Чунки ота-онанинг ҳам педагог, психолог, ҳуқуқшунос, иқтисодчи бўлиши аҳамиятлидир.

Оилада ота-она боласининг қизиқиши, иқтидори, қобилияти, қайсидир касбга бўлган мойиллигини пайқаш ва орзу- истакларини кузатиб бориши шарт, чунки келажакда фарзандининг ким бўлиши, қайси касб эгаси, қандай инсон бўлиши кераклигини билиши керак. Боланинг ўткинчи қизиқишларини унутиб, бутун умрининг мазмунига айлана оладиган ягона соҳани танлашига ёрдам бериши, уларга куч-қувват, мадад, руҳий далда, қобилиятига ишончини ошириши аҳамиятлидир [33-34].

Оилавий тарбияда қуйидагиларга амал қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- Оилада барча оила аъзолари бир-бирини тушуниши, севиши, ҳурмат қилиши;

- Ўқиш, иш ва меҳнат қилишга ҳаётий эҳтиёж сифатида қараш:

- Аниқ мақсади бўлиши ва унга интилиш, меҳнатдан қочмаслик;

- Ҳар бир ота-она фарзандига индивидуал ёндашиш;

- Болага катталар қатори ишонч билдириш;

- Боланинг ёшидан келиб чиқиб, турли китоблар мутоала қилиш;

- Оилавий спорт турини ташкил этиш;

- Оила доирасида боболар ўғити, шеърхонлик, ҳадис, мақол, топишмоқ, тарихий саналар ва хоказолар айтишни анъанага айлантириш;

- Оиладаги болаларни (ҳадис, шеърят, мақол, ривоят, фикр билдириш ва х.к) рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

Фарзандларимизда шарқона одоб, ор-номус, уят ва андиша, иб-иффат, шарму ҳаё каби юксак ахлоқий туйғу, тушунчаларни онгига сингдириш ва тарбиялаш олдимиздаги долзарб масаладир [35-37].

Шундай қилиб суверен давлат инсон ҳуқуқларини, шахс номуси ва кадр - қиматини ҳимоя қилишни ўзининг асосий вазифаси, деб билади. Унинг юксак ахлоқий моҳияти ҳам ана шунда. Биз мустақилликка эришганимиздан кейин ўз давлатимизни қадимий давлатчилигимизнинг энг яхши анъаналари билан бирга замонавий демократик тамойиллар асосида қуришга киришдик. Давлатимиз ҳам маънавий-ахлоқий, ҳам жисмоний тарбияга катта аҳамият бериб келмоқда.

REFERENCES

1. Абдуллаева Я. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун. – Тошкент: Ижод дунёси, 2004
2. Убайдуллаева Р.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтиш шароитида аёллар ва меҳнат // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1995. – № 9. – Б. 24–26

3. Холматова М., Муравьёва Н. Ёшлар оилавий ҳаёт бўсағасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000
4. Шайхова Х.А. Ўзбек аёли – одоб тимсоли. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007.
5. Алимасов В. Гендер фалсафаси. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008
6. Султонова Э. Аёл – давлатнинг ривожланиш стратегиясида (глобал муаммо сифатида). – Тошкент: ЖИДУ, 2005
7. Саифназаров И. Сиёсий фаоллик ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2004
8. Саифназаров И., Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила – Ватан таянчи. Т.: Таълим, 2018
9. А.А.Хусейнова Фуқаролик жамиятининг маънавий-маданий ва ахлоқий қадриятларини шакллантиришда аёлларнинг ўрни. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2009. – 53 б.
10. Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003
11. Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. – Тошкент: Фан, 1999
12. XXI аср бўсағасида Ўзбекистон аёлларининг ижтимоий салоҳиятини оширишга кўмаклашиш имконияти: Симпозиум материаллари. – Тошкент: Университет, 1999
13. Ўзбекистонда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2000.
14. Pulatovna, K. K. (2022). Factors of Social Political Activity. *International Journal of Formal Education*, 1(9), 24-28.
15. Кенжаева, Х. П. ШАРҚ ФАЛСАФАСИДА «ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ» МАСАЛАСИ. *УЧЕНЬЙ XXI ВЕКА*, 76.
16. Khajieva I. et al. Foreign language competence formation of the future teacher of vocational education in the information and educational environment // *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 360-365.
17. Кенжаева Х. П., Тожиев Ф. И., Жураев Б. Н. РОЛЬ ЖЕНЩИН В СОЗДАНИИ И РАЗВИТИИ ДЕМОКРАТИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ // *Инновации в технологиях и образовании*. – 2014. – С. 119-123.
18. Zhabborova, O. I., & Kenjaeva, N. P. (2018). Bases of gender equality of rights in Uzbekistan. *Международный журнал гуманитарных и естественных наук*, (5-2), 18-21.

19. Кенжаева, Х. (2022). ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТ ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОМИЛИ. *Scientific progress*, 3(1), 862-867.
20. Кенжаева, Х. П. (2021). Сиёсий-Ҳуқуқий Маданиятни Ошириш Омиллари. *Ижтимоий Фанларда Инновация онлайн илмий журнали*, 1(6), 94-97.
21. Кенжаева, Х. П. (2021). Сиёсий Тизимни Ислоҳ Қилиш Омиллари. *Таълим ва Ривожланиш Таҳлили онлайн илмий журнали*, 1(6), 199-202.
22. Кенжаева, Х. (2021). Миллий маънавий меросимизда таълим-тарбия масалалари. *Общество и инновации*, 2(6/S), 18-24.
23. Кенжаева, Х. П. (2021). Фуқаролик маданияти мезонлари шарқ фалсафаси талқинида. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 372-378.
24. Kenjaeva, X. P., Tojiev, F. I., & Juraev, V. N. (2014). ROLE OF WOMEN IN CREATION AND DEVELOPMENT OF DEMOCRATIC SOCIETY IN UZBEKISTAN. *Innovations in technologies and education*, 119-123.
25. Кенжаева, Х. П., & Каримова, Л. М. (2019). ТАРИХИЙ ХОТИРА–ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ. *ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ*, 1(3).
26. Кенжаева, Х. П. (2021). Аёллар ижтимоий фаоллигини оширишда фуқаролик институтларининг ўрни. *Scientific progress*, 1(6), 957-961.
27. Pulatovna, K. K. . (2022). Technologies and Conditions for the Implementation of Innovative Processes. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 5, 610-615.
28. Pulatovna, K. K. (2022). Main Directions for Reforming the Educational System in the Republic of Uzbekistan. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 6, 276-281.
29. Кенжаева, Х. П. (2022). ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ.
30. Пардаева, М. Д. (2021). ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИДА ҲАЗРАТ АЛИШЕР НАВОИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ. *ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ*, 4(3).
31. Pardaeva, M. D. (2020). THE ROLE OF THE JADID'S THINKING VIEWS IN THE FIGHT AGAINST ENLIGHTENMENT AGAINST IGNORANCE. *Ўтмишга назар журнали*, 10(3).
32. Пардаева, М. Д., Узбекистан, Р., & Голди-Скотт, М. Р. (2020). Реформа школьного образования в Узбекистане: переосмысление методики обучения и оценки. ISBN 978-5-9929-0917-3© ОГУ имени ИС Тургенева, 2020© МОО «Академия информатизации образования», 2020© Коллектив авторов, 2020, 25.

33. Пардаева, М. Д. (2018). Использование средств народной педагогики в воспитании толерантности у молодежи. Проблемы педагогики, (6 (38)).
34. Поппер К. Предположения и опровержения. – М.: АСТ, 2004. – С. 383.
35. Шарипов Ф.Ш. Сиёсатшунослик. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 247-248.
36. Ризоуддин ибн Фахриддин. Оила. Т.: Меҳнат-1991. 9-бет
37. Қ.Абдурахмонов “Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари энг олий кадрият” Т, 2017 й, 239 бет.